

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (10.840)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Хусусий бизнес

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимизда 8 йилдан буён фаолият кўрсатиб, ички бозорда «KHAMZA» товар белгиси билан танилган ҳамда кўшни давлатларга ҳам буюртма асосида маҳсулот etkazиб бераётган «TALVANA» хусусий фирмаси ана шундай жамоалар сирасига киради. Корхонада замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган эркаклар либослари бемалол хорижники билан рақобатлаша олишини харидорлар ҳам эътироф этишмоқда.

Албатта, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда тўпланган билим, мукамал тажриба, ҳуқуқий қафолат ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлар муҳим омиллардан саналади. Ана шуларни назарда тутган ва Туркиянинг Истамбул университетиде тахсил олган Ҳамза Ҳушвақов юксак мақсадни кўзлади. Эзгу ниятни амалга ошириш йўлини эса тиним билма йўлади. Бунинг учун Туркиядаги йирик тўқимачилик ва тикувчилик фабрикаларида бўлиб фаолиятини ўрганиди, тажриба тўплади.

Сифатли, рақобатбардош кийим-кечаларга ҳар доим ва ҳар ерда талаб катта. Ана шунини инобатга олган тадбиркор шунчаки либос эмас, балки шундай кийим-кечалар яратишни мақсад қилди, яъни бозорда унинг ўз ўрни бўлсин, товар марказидан харидор сифатини ҳам билиб олсин. Бу осон иш эмас, негаки ҳолва деган оғиз чучимаиди.

Шу сабабли Ҳамза туркиялик ҳамкорлар билан ишлади, корхона ташкил этиш мақсадида тажрибали тикувчиларни танлов асосида ишга қабул қилди. Уларга Туркиядан келган малакали мутахассислар иш ўргатди, хорижий дастохларни бошқаришда, сифатли ли-

бослар тайёрлашда кўмак берди. Изла-ниш натижаси эса ёмон бўлмади. Чунки қисқа давр мобайнида «KHAMZA» товар ёрлиқли эр-каклар костюми-шими, пиджак ва шимлари турлари кўпайиб, харидорлари сафи ҳам ортди. Турли қўшни дав-латларда ўтказилган кўргазмаларда ҳам ушбу маҳсулотларга қизиқиш пайдо бўлди, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, қўшимча ишчи ўринлари ташкил этил-



ди, фирма дўконлари, бозорларда савдо расталари фаолияти йўлга қўйилди. Лекин корхонада ҳамма сифатга эътибор биринчи ўринга қўйилди. Бу борада Туркиядан келтирилган сифат-ли хом ашё, кадрларнинг ошиб бораётган малакаси ва улarga мададкор бўлаётган Япония фирмасининг «Brother» ускуна ва жиҳозлари муҳим аҳамият касб этди. Шунинг баробарида маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилгани, юртимизда ўтказилаётган кўрик-танлов ва кўргазмалардаги му-

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА БУГУНГИ ТАЛАБ АСОСИДА ИШ КЎРИТГАН ТАДБИРКОР, АГАРДА У ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ИЗЛАНИШДАН ЧАРЧАМАСА, ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ВА ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТИНМАЙ ҲАРАКАТ ҚИЛСА ЎЗ ИСТИҚБОЛИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ.



вафқиятли иштироклар харидорлар сафини оширмоқда, янги моделдаги маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳисса бўляпти.

— Жорий йилда ҳам маҳсулотларимиз турларини янгилашни, замонавий моделдаги эркаклар ва аёллар либосларини яратишни кўзда тутганмиз, — дейди Ҳамза Ҳушвақов. — Бунинг учун эса Япониядан ускуналар келтиряёмиз. Шунингдек, янги турдаги маҳсулот сифатини таъминлаш учун кадрларимизни ўргатиш мақсадида туркиялик мутахассисларни ҳам шартнома асосида ишга жалб қилдик. Янги либосларимиз барчага, айниқса ёшларга бирдоя маъқул бўлувчи жинси газламасидан тайёрланади.

Чинда ҳам давр шиддаткор, бир жойда депсинчи туриш мувафқиятга олиб келмайди. Шунингдек биргина гоёнинг ўзи ҳам етарли эмас, Уни амалга ошириш йўлини излаш, ҳамма давр билан ҳамнафас кадам ташлаш ютуқлар гарови бўлади. «TALVANA»да меҳнат қилаётган тадбиркорлар бунинг жуда яхши билишди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: Дилором Ёкубова
корхонанинг энг сара чебарлари қаторидан ўрин олган; **корхона** цехларида янги моделдаги кийимлар тайёрланмоқда.
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуху!

Ислому тараққиёт банки ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларини ҳижрий ҳисоб бўйича Янги йил кириб келгани муносабати билан самимий қўлшай менга катта мамнуният бахш этди.

Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига янада раванг, тинчлик, хотиржамлик, бутун мусулмон умматига бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт ато этишини сўрайман.

Сиз, Жаноби Олийларини 2007 йилда Осиё қитъасидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани муносабати билан чин қалбимдан табриклаш ҳам менга қувонч бағишлайди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти томонидан (ISESCO) Тошкент шаҳрига ҳақли равишда ушбу мақомнинг берилиши мамлакатингизнинг ислом қадриятларини тиклаш ва ислом маданиятини ривожлантириш борасидаги юксак хизматларининг яна бир яққол тасдиғидир.

Маълумки, Буюк Ипақ йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришда азалдан муҳим ўрин тўтиб келган.

Ислому тараққиёт банки Сиз, Жаноби Олийларининг миллий қадриятларини тиклаш ва ўзбек халқининг буюк аجدодлари қолдирган меросини асраб-авайлаш борасидаги улкан хизматларингизни юксак қадрлайди.

Мусулмон уммати ҳақон цивилизацияси, хусусан, ислом маданияти ривожига беназир хисса қўлган Мовароуннаҳр фарзандларининг — буюк мутафаккир ва олимларининг хизматлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Ишончим комилки, ушбу муҳим воқеани нишонлашга бағишланган тадбирлар ҳақон ҳамжамияти учун ўзбек халқининг бой тарихий мероси билан янада яқин танишиш имкониятини яратиш, турли цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эътиромимни изҳор этишга, Ўзбекистон халқига эса янада раванг ва фаровонлик тилашга ихозат бергайсиз.

Доктор Аҳмад Муҳаммад АЛИ,
Ислому тараққиёт банки президенти

Кечка сатрларда

- **УЧТЕПА** туманидаги «Меҳриғиб» клубида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар ва Учтепа туман Кенгаши раҳбарлари ҳамкорлигида уюштирилган хайрия тадбирида меҳрга ташна инсонлар иштирок этишди.
- **МИРЗО** Улуғбек туман ҳокимлигида туман миқосида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни юксалтириш борасидаги 2007 йил комплекс дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Ижтимоий ҳимоя йилида баҳариланиган ишлар режаси белгилаб олинди.
- **КЕЧА** Миробод туманидаги ҳарбий қисмда мутафаккир шоирлар Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишлаб ўтказилган тадбир туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида уюштирилди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ташаббуси билан янгиловчи аёлми — Наврўзга пухта тайёрлаган кўши мақсадида шахримизнинг Сайилгоҳ қўчасида, Ўзбек Миллий академик драма театри худудида ободонлаштириш ишлари ташкил этилди.
- **КЕЧА** Чилонзор туманида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлими раҳбарлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбир ёшларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ҳимояси масалаларига бағишланди.
- **ЎТган КУНИ** шаҳримиздаги 3-санъат мактабида Муҳтор Ашрафий номидаги мусиқа кўрик-танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди, қолиблар тақдирланди.
- **АКЦИЈАДОРЛИК** тижорат «Турон» банки мижозларга қўлайлик яратиш, хизмат сифатини яхшилаш мақсадида янги омонат турларини жорий қилди.
- **ЎЗБЕКТЕАТР** ижодий бирлашмаси ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамкорлигида талабаларнинг Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари билан учрашуви уюштирилди.
- **ТОШКЕНТ** аграр университетиде ўтказилган тадбирда ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтган талабаларга «Камолот» ЁИХнинг грантлари топширилди.
- **ЮНУСОБОД** туманидаги 544-мактабгача таълим муассасасида ҳашар уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13 ФЕВРАЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақдир этилган кун тартибининг тасдиқланди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исмоилов депутатлар иккинчи ўқишда кўриб чиқишлари учун киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида маъруза қилди.

Мазкур ҳужжатларнинг модда-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар парламентга Президент Ислому Қаримов томонидан киритилган қонун лойиҳалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганлигини алоҳида қайд этдилар. Бу ҳужжатлар мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини ривожлантириш, кучли фуқаролик жамияти сари бориш йўлидаги муҳим босқичдир. Давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси Ўзбекистон Республикасида кўп партиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустақамланшига янги қудратли туртки бўлди. Қонун лойиҳалари қабул қилинган, сиёсий партиялар, уларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари органларидаги партия гуруҳлари фаолияти учун ҳуқуқий макон аниқлашга кенгайтирилди, мамлакатимизда халқ ҳокимияти янада ривожланади.

Депутатларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда қабул қилди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси А.Тўхташевнинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги маърузаси бўйича депутатлар тегишли қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилдилар ҳамда уни иккинчи ўқишда қабул қилдилар. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов тақдим этди. Депутатлар ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида уни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ва қўшимчалар киритдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 74-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблар ва батафсил муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маълумлашлар ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси Э.Убайдуллоев томонидан тақдим этилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маълумлаш ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан С.Рашидова сўзга чиқди. Муҳокамадан кейин депутатлар Омбудсман ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилдилар.



қатор таклифлар ва қўшимчалар киритдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 74-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблар ва батафсил муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маълумлашлар ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси Э.Убайдуллоев томонидан тақдим этилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маълумлаш ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан С.Рашидова сўзга чиқди. Муҳокамадан кейин депутатлар Омбудсман ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида ёш иқтидорларнинг Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган «Болалигим — подшолигим» мавзудаги концерти бўлиб ўтди. Унда 7-болалар мусиқа мактаби, 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, шунингдек, хорижлик ёш ижрочилар ўз санъатларини намойиш этишди.

● Навоий шаҳридаги «Богчақалон» кичик корхонасида саломатлик учун фойдали бўлган йодланган ош тузи ишлаб чиқарилади. 20 киши меҳнат қилаётган корхонада бир кунда 8-10 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Жорий йилнинг охирига қадар истеъмолчиларга 600 тоннадан зиёд йодланган ош тузи etkazиб бериш кўзда тутилган.

● Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманидаги «Аср» хусусий фирмасида янги маҳсулот — тротуарлар учун манзарали плиталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулот юқори сифатли ва арзон бўлганлиги сабабли қурилиш ташкилотларидан плиталарга кўплаб буюртмалар тушмоқда.

● Чиноз туманидаги «Иқтисодиёт» касб-хунар коллежида Тошкент вилояти ва туман ички ишлар идоралари ҳамда наркологиya диспансери вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. «Ёшлар — гивандликка қарши» мавзудаги ушбу тадбирда юздан зиёд талаба-ёшлар гивандликнинг нафакат соғлиққа, балки жамият учун ҳам катта зиён etkazиши ва унинг бошқа салбий оқибатлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлидилар.

● Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Бобур — шоҳ ва шоир» мавзуда маънавий-маърифий кеча ўтказилди.

● Наманган вилояти, Норин тумани «Камолот»чилари истеъдодли ёшларни излаб топиш мақсадида тумандаги мавжуд коллеж талабалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловини ўтказишди. Унда ўз иқтидорини намойиш этган талабалар ҳаракат қошида ташкил этишган театр труппасига қабул қилинди.

● Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология институтида янги референс лаборатория фойдаланишга топширилди. Замонавий жиҳозлар, тиббий ускуналар ҳамда дори-дармон воситалари билан таъминланган мазкур лаборатория ўта юқумли ва хавфли касалликларни тезкорликда аниқлаш ва ташхис қўйиш имконини беради.

● Сурхондарё вилоят «Пилла» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Ижтимоий ҳимоя йилида Бойсундаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 400 минг сўмлик хайр-саховат қўрсатди.

● «Самарқандкимё» очик акциядорлик компаниясида нитрокалийфосфат (нитрофос) ўғитини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Бухоро вилоятида 2007 йилда туризмни ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра ўтган йилгидан 6,2 фоиз кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб этиш, меҳмонхоналар сонини 55 тага etkazиш кўзда тутилган. Режага кўра реконструкциядан сўнг «Бухоро» меҳмонхонаси қайта фаолият бошлайди. Тошкент—Бухоро, Бухоро—Урганч автотрассаларида замонавий кемпинглар ва умумий овқатланиш пунктларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Кеча Пекинда Шимолий Кореянинг ядро дастури бўйича олти томонлама музокаралар мувафқиятли якунланди. Унда Шимолий Корея муайян иқтисодий ёрдам эвазига ўз ядро дастуридан воз кечишга рози бўлди. Келишувга кўра КХДР 60 кун ичида бу борада белгиланган ишларни амалга ошириши ва биринчи навбатда МАГАТЭ инспекторларининг мамлакатдаги ядро объектларига киришига рухсат бериши лозим. Музокараларнинг кейинги босқичи 19 мартда бошланади.

● АКШнинг Ироқдаги ҳарбий кучлари кўмондони ўзгарди. Эндиликда бу ердаги ҳарбий контингентни генерал-лейтенант Дэвид Петреус бошқаради.

● Демократлар партиясидан сенаторликка сайланган Барак Обама АКШ Президентлиги учун сайловларда кураш олиб боришини маълум қилди. Обама сиёсатда катта тажрибга эга бўлмаса-да, Ироқдан ҳарбийларни олиб чиқиб кетишига салоҳияти этишини таъкидлади.

● Эрон Президенти Маҳмуд Ахмадинажод мамлакатда қўлланилаётган халқаро жазо чораларига қарамасдан, расмий Техрон уранини бойитиш ишларини давом эттириш ниятидан воз кечмаслиги ҳақида баёнот берди. Шундай бўлса-да Президент Эрон ядро курулларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан чиқмаслигини таъкидлади.

● Кеча Москвада «Внуково» аэропортидан учиб чоғида янги моделдаги «Челленжер-850» самолёти кулаб тушган ҳолда ҳалокатга учради. Техник кўриқдан ўтиш учун Берлинга парвоз қилаётган ушбу самолётда йўловчилар йўқ, фақат уч-тўрт нафар экипаж аъзоси мавжуд эди. Ҳалокат натижасида улардан бири яраланди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

● Ливандаги христиан динига эътиқод қилувчи аҳоли яшайдиган Бикфия шаҳрида иккита автобус портлаб кетди. Сўнги хабарларга қараганда, мазкур хунрезлик оқибатида 12 киши ҳаётдан кўз юмган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудини 524 йиллигига

Бобурнинг бизгача етиб келган қўлзма девонларининг нусхалари ҳозирда Париж миллий кутубхонаси, Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонаси, Ҳайдарободдаги Саларканг музейи, Эрондаги Салтанат кутубхонасида мавжуд ва Ф.Купрулузода нашри учун асос қилиб олинган Туркияда сақланаётган нусхалари маълум. Ислоом тадқиқотлари институтининг каталогидан Бобур асарлари қўлзмасининг Туркияда нашр этилган энг қадимги ва нодир нусхасининг Эронда сақланаётганлиги ҳақидаги хабар қувончли воқеалардан биридир. Каталог муаллифининг сўзига қараганда бу қўлзма 931 (1524-1525) хижрий йили қўчирилган бўлиб, унинг таркибига «Бобурнома», «Аруз рисола-си», «Мубаййин» асарлари ва Бобурнинг ўзбек тилида ёзган шеърлари киритилган. Демак, бу қўлзма нусха муаллифи ҳаётидаги таълиқ бўлиб, энг ишонarli ва қўллий шаклидаги нусхадир.

Бу қўлзманинг нусхаси Адабиёт музейи ва Бобур халқаро жағмарасининг савий-ҳаракати билан Ватанимизга олиб келинди ва ҳозир унинг устида илмий изланишлар олиб борилмакда.

Бобур шеърлари тўпламининг Рампур нусхаси шoirнинг Ҳиндистонда яшаб ижод этган даврига оид шеър асарларидан иборат. Биринчи саҳифанинг пастки қисмида диққатга сазовор бир ёзув бор. Унда Бобурийлар саройида хизмат қилган таникли шoir Байрамхон номи тилга олинади. Мазкур ёзуви Байрамхон ўз қўли билан ёзган. Давр ўтиши билан матннинг айрим жойлари ўчган ва хиралашган. Қўлзма ко-лофони келтирилишидан аввал Бобур ушбу девонга кирган шеърларини ўз қўли билан тахрир қилиб чиққанлигини эслатади: «Ҳиндистон жониби(га) азимат қилгани айтилган ашор бу эрдиким тахрир қилдим ва кечкан вақою ул дурруким тахрир қилибдурмен нечукким бу акрота мастурдур ва ул ажзода мазкур». Текширишлар шуни кўрсатади, тахрирлар Бобур қалами билан амалга оширилган. Хошиялардаги сўзлар Ҳайдаробод девонининг нусхасини Париж нусхаси билан қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳар икала нусха шеърларнинг ҳамми, тартиби жиҳатидан бир-бирига жуда ўхшашдир.

Бобур мероси билан танишар эканмиз, унинг авлодлари ва Ҳиндистондаги турки-ўй шoirлар ижодиёти ҳақида ҳам талайгина янгиликларни аниқлашга муваффақ бўлинди. Байрамхон, Шайх Жамолий, Хумоюн, Комрон, Гулбаданбегим, Фориғий, Дийда, Иншо Оллохон, Азфарий каби қатор шoir ва олимларнинг баракали ижод қилганликлари бизга қимматли маълумотлар беради. Ҳиндистонга қилинган илмий сафарлар шуни кўрсатадики, Навоий ва Бобур ижоди билан боғлиқ бўлган қўлзма манбалар Ҳиндистоннинг Дехли, Аллигарх, Ҳайдаробод, Калькутта ва айниқса, Мадрас шаҳарларининг қўлзма хазиналарида талайгина мавжуд экан. Улар билан танишиш жараёнида Бобур аъёнларини Ҳиндистонда давом эттирган ва туркий халқлар адабиётига маълум хисса қўшган шoir, олим ва мохир тар-

жимонлар силсиласи юзага чиқа бошлади. Булар орасида Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо, Ҳинд, форс-тожик ва ўзбек адабий алоқаларини ривожлантириш ишига улкан хисса қўшган, бобурийлар авлодидан бўлган Мирзо Али Бахт Азфарийларнинг бизгача етиб келган қўлзмалари эътиборга лойиқдир.

Манбаларнинг хабар беришича, Комрон Мирзо ҳам отаси каби ижоди билан ўзбек ва форс-тожик адабиётининг равнакига хисса қўшган зуллисонан шoir бўлган. Лекин унинг ижоди ҳақида биз шу вақтгача тўла тасаввурга эга эмас эдик. Унинг девонининг асл қўлзма нусхаси Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги Худобахш

лан Бобурга ва «Аруз рисола-си»га бўлган ҳуқур хурмати ва эътиборини билдирмоқчи бўлади. Унинг мазкур асарларини алоҳида ўрганиш Бобур ижодининг бизга ҳали равшан бўлмаган томонларини очишда ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ўзбек адабиётининг бошқа вақилларини аниқлашда муҳим манбадир.

Маълумки, Бобур ва Бобурийлар яратган илмий, бадиий, қомусий асарлар неча асрлардан буён турли халқлар томонидан муталаа қилинмоқда, авайлаб, эъзозланиб даврлардан даврларга ўтиб келмоқда, ўнлаб тилларга таржима қилиниб, истеъдодли котиблар томонидан кўчирилиб, мохир мусаввирлар, наққошларнинг

рихий обида ва ашёларнинг Санъат музейига келиб тушиши ўз тарихига эга экан. Уларнинг бир қисми, сопол буюмлар, мисдан ишланган кўза ва Қашмир рўмонлари музейга харид қилинган (XVIII-XIX асрларга оид) бўлса, бир қисми хоним Жозеф Сван Нив ва Рат Харрисонлар томонидан 1923 йилда Дехлида Имр Швейжер исмли тадбиркордан сотиб олинган. Бу нодир тарихий ва маданий ёдгорликлар 1950-1951 йилларда Жон Нахак томонидан музейга ҳада сифатида топширилган.

Музей фондида сақланаётган Бобурийлар кутубхонасига оид айрим қўлзмаларга ишланган миниатюраларда Ҳиндистон мамлакатини бирлаштириш ва ягона империя барпо этиш йўлидаги ҳарбий юришлар акс эттирилган тарихий лавҳалар суратлари мавжуд бўлса, бошқа бир гуруҳ қўлзмаларда Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган тарихий воқеалар, маиший ҳаёт тарзи ўз аксини топган лавҳалар алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қўлзмаларда Ҳиндистон давлат арбоблари — Хумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳ-жаҳон, Доро Шукӯш, Шоҳ Шукӯш ва Аврангзебнинг севилими ўғли Аъзамшоҳ сиймоларининг ва Бобурийларнинг Ҳиндистондаги сўнгги ҳукмдорларидан бири Акбар IIнинг ўз аъёнлари ҳузурдаги тасвири акс эттирилган миниатюралари Бобур ва унинг авлодларининг жаҳон цивилизацияси ривожига нақадар улкан хисса қўшганлигини ёрқин далилловчи тарихий ҳужжатлардир.

Хулоса қилиб айтганда, узок бир ўлкада буюк Бобур ва бобурийларга тегишли тарихий ва маданий ёдгорликларнинг муҳимаси албатта биз учун жуда қувончли ва қутилмаган воқеа бўлди. Биз бобурийлар ва бошқа аждодларимизга оид қўлзма маълумотлар, манбалар халқимизга Интернет саҳифаларига киритилганига, улар ер юзининг қўлаб музей ва кутубхоналарида сақланаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш борасида ҳали тинмай ишлашимиз керак бўлади. Ҳозирча ўзбек халқининг чет эллардаги бой меросининг бир қисминини қўлга киритдик, холос. Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа хоржий мамлакатларнинг китоб хазиналарида сақланаётган катта қисми билан танишмоқ, суратга тушириб келмоқ, ҳали топилмаган манбаларни эса фаоллик билан изламоқ зарур. Бунинг учун катта миқдосдаги илмий қўллар сафарбар этилмоғи керак. Бу хайри ишда ўз ота-боболари меросига, тарихий маданиятига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватанпарвар ўзбек зиёлиси ўз фидойийлигини амалда кўрсатмоғини истардик.

САИДБЕК ХАСАНОВ,
филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори

БОБУР МЕРОСИНИ ИЗЛАБ

Сўнгги йилларда, аниқроғи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигидан сўнг унинг шахсияти ва авлодларининг бой меросини ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучайди. Бобур ўзининг мураккаб ҳаёти йўли, зиддиятли дунёқарашини, айни пайтда бой адабий, илмий мероси билан ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин эгаллайди. У ўзининг қирқ етти йиллик умри мобайнида «Мубаййин», «Рисолайи Волидийя» номли шеърый асарлар, жаҳонга шухрати кетган «Бобурнома»ни ёзди. «Хатти Бобурий» деб номланган янги алифбе тузди, аруз, қофия, мусиқа ва ҳарб ишига оид рисолалари билан илмга катта ҳисса қўшди.



кутубхонаси хазинасида сақланиб келмоқда. Девонга ўзбек ва форс-тожик тилларида яратилган шеърлар киритилган бўлиб, у 1556 йили Махмуд ибн Исҳоқ аш-Шаҳобий томонидан гузал хусниҳат билан қўчирилган. Мазкур қўлзманинг тарихий аҳамияти шундаки, унинг бошланғич ва охириги саҳифаларида ўзларининг Бобурийлар хонадонига мансублигини тасдиқловчи 20 дан ортиқ Ҳиндистон давлат арбобларининг муҳр ва дастхатлари келтирилди. Шулар орасида Акбарнинг ўғли Жаҳонгирнинг мазкур девонни кўздан кечириб чиққанлиги ҳақидаги қайди ҳам бор.

Азфарийнинг улкан адабий меросига назар ташлар эканмиз, у бизнинг кўз ўнгимизда шoir, тарихчи ва тилшунос олим сифатида намён бўлади. У ўзбек адабиёти тарихи ва унинг йирик вақиллари ҳаёти-ижоди билан яқиндан таниш бўлган. Ўзбек адабиётининг йирик намёндалари Навоий ва Бобур ижодини чуқур ўрганган холда уларнинг асарларидан руҳланиб китоблар ёзган. Унинг турли соҳаларга оид 15 дан ортиқ асарлари ўзбек адабиёти вақилларини Ҳиндистонда тарғиб қилишда алоҳида ўрин тутди. Бундан ташқари у Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Бобурнинг «Аруз рисола-си» асарларини форс-тожик тилига таржима қилган. У ўз таржимасини Бобур «Аруз»нинг фарзанди, яъни «Аруззода» деб атади. Бу би-

мўйкалами билан зийнатланиб, инсоният тафаккурини бойитмоқда, инсонларга манавий завқ-шавқ бағишламоқда. Бобурийлар яратган бой мерос жаҳоннинг турли хазиналаридан муносиб жой олганлигининг ўзи бу меросга бўлган қизиқишнинг ҳозир ҳам катта эканлигидан далолат беради.

АҚШ Огая штатининг пойтахти Цинциннати шаҳрида ўнлаб музей ва йирик кутубхоналар мавжуд. Шулар орасида ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида кўзга ташланиб турадиган муҳташам бинода Санъат музейи жойлашган бўлиб, унда Америка ва Европа тарихига оид ноёб асарлар намойиши билан бирга Шарқ халқлари, айниқса форс ва туркий халқлар маданиятига оид бой мерос ҳам унинг хазинасида кўз қорачиқдек сақланиб келаётганлиги бизни таажубга солди.

Таажубки, Цинциннати шаҳрида Санъат музейи хазинасида ўзбек халқининг буюк шoirи, давлат арбоби ва қолаверса Тежурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги давомчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларига мансуб шахзодаларнинг 1526 йилдан то 1858 йилгача бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларининг энг ноёб нусхаларининг жой олганлиги ҳар бир ўзбекнинг қалби ва шуурини ҳайратга солимай қўймайди.

Глен Маркойнинг айтишича, Бобурийлар ҳукмдорларига мансуб бўлган бу та-

Таълим

ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБИ

Ўқитувчи бу сўз замирида олам-олам мазмун, беқийс меҳр ва азият, шараф ва саховат мужассамлашган. Ёш авлоднинг қомил инсон бўлиб етишувида она-ватанига, миллатига, халқига садоқатли, юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлиш руҳида тарбиялаш—буларнинг ҳаммаси муаллимларнинг зиммасига тушади. Айниқса, бунда бошланғич синф ўқитувчилари муштақкам пойдеворни қўядилар.

Бугунги лавҳамиз қаҳрамони ҳам ана шундай шарафли касб соҳибидир. Дурдона Қодирова Юнусобод туманидаги 9-ўрта таълим мактабда кўп йиллардан бери бошланғич синф ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У бу касбни беҳиз танлаганига, Оиласи зиёли, педагоглар сулоласидандир. Отаси—заҳматқаш олим, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, фахрий профессор. Онаси эса олий тоифали муаллим. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, тажрибали бошланғич синф ўқитувчиси-дир.

Д.Қодирова 1993 йилдан фаолиятини мактабда бошлаган, ўз фанига, ўқитувчилик касбига бўлган қизиқиш уни тез орада мохир устозлари қаторидан ўрин олишига сабаб бўлди. Ўз устида тинимсиз ишлади. Дарсларини замонага ҳамнафас тарзда, илгор ахборотлар ва педагогик технологиялар асоси-

да, кўргазмали равишда олиб боради. Мактабда турли жамоат ишларида доимо фаол қатнашиб кетади. Бир неча йиллардан бери бошланғич синфлар бўйича Услубий бирлашма расиси вазифасида иш юритиб келмоқда.

Дурдона Қодированинг иш тажрибаси 2002 йилда ўзи фаолият кўрсатаётган 9-мактабда, 2003 йилда Юнусобод тумани халқ таълими бўлимида, 2005 йилда эса Тошкент шаҳар Халқ таълими соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида омаллаштирилган. У—ижодкор ўқитувчи. Дарсдан ташқари бошланғич синфлар учун чоп этилган ва этилаётган бир қанча ўқув қўланмалари, синфдан ташқари ўқиш китобларида, рисолаларда муаллифдош ва муҳаррирлик қилиб келмоқда. «Совға» (1 ва 2-нашрларда), «Янги алифбонинг ўрганамиз», «Янги сўз—қалб кўзгуси», «имло лўғати:



«Х»ми ёки «Х»? кабилар шулар жумласидандир. Маълумки, бир неча йиллардан бери ўқитувчилар орасида ўз билими, касбий маҳорати, яратувчанлиги билан ажралаб турадиган энг иқтидорли, ташаббускор, илгор ижодкорларни аниқлаш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Ана шундай танловлардан бири «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови-дир. Яқинда шу танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги 9 та тумандан голиб деб топилган номзодлар беллашдилар. Улар орасида Юнусобод туманидан Дурдона Қодирова ҳам иштирок этди. Кўрик-танловда қатнашган ўқитувчилар ўз иш тажрибалари, яратган кўргазмали қуроллари, ноанъанавий дарс ишланмалари билан ўртоқлашдилар, тест синовидан ўтдилар. Шунингдек, Мирзо Улугбек туманидаги 64-мактабда икки номинанияда: «Ноанъанавий

дарс» ва «Тарбиявий соат дарси» бўйича беллашдилар. Мавзулар, синфлар номаълум бўлиб, бир кун олдин қуръа ташлаш йўли билан аниқланди. Дурдона Қодирова бунда она тили фанидан «Ноанъанавий дарс» олиб борди. «Тарбиявий соат дарси» эса «Табиятни асраш ҳар бир инсоннинг бурчи» мавзусида бўлди. Кўрик-танловнинг барча турлари бўйича юнусободлик Дурдона Қодирова энг юқори балл тўплаб, фахри биринчи ўринини эгаллади ва республика босқичида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.

Биз Д.Қодировани бу муваффақияти билан табриқлаймиз ва унга «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг Республика босқичида ҳам омад ёр бўлишига тилакдошимиз.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ
СУРАТДА: ижодкор ўқитувчи Дурдона Қодирова

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШЛАРИ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАЛАРИ КЕНГАШЛАРИ РАИСЛАРИ ҲАМДА ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ ДЕВОНИ БЎЛИМ МУДИРЛАРИНИНГ МАХСУС СЕМИНАРИ ОЧИЛДИ.

Унда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, айниқса халқимизнинг меҳнат билан банд қисми манфаатларини ҳуқуқий, иқтисодий, манавий муҳофаза қилишга, фаровонлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Беш кун давом этадиган семинарда жамиятимиз ҳаётининг барча баҳчаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда меҳнатқашларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида касаб уюшмалари зиммасидаги долзарб вазифаларга оид масалалар атрофича муҳокама этилади. Олимлар, ҳуқуқшунослар, тегишли вақиллик, идора ва ташкилотлар вақиллари иштирокида турли мавзуларда машгулотлар ўтказилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

МАМЛАКАТИМИЗДА КИНО САНЪАТИ УСТАЛАРИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ТУРЛИ МАВЗУДАГИ ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ТОМОШАБИНЛАРИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАПТИ АЛБАТТА. КУНИ КЕЧА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САНЪАТ САРОЙИДА «ҲАЁТ ХАЛИ ОЛДИНДА» ДЕБ НОМЛАНГАН ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Режиссёр Фуркат Файзиев томонидан суратга олинган мазкур фильмнинг асосий геоси асосан ёшлар ҳаёти, ватанпарварлик мавзусида бўлиб, баалоғат ошонасида турган усмирларнинг келгусидаги мақсад-ўйлари, интилишлари, кечинмалари акс эттирилган. Фильмда асосий ролларни таникли актёрлар Фаҳриддин Шамсиметов, Сайёра Юнусова, Юлдуз Ҳамидова, Абдуқошим Арслонов,

Премьералар ҲАЁТ ХАЛИ ОЛДИНДА

Муҳаммадасо Абдулхайров, Маъруф Отажонов, ёш актёрлар Ойбек Одилов, Замира Бешимова, дебютан актёр Музаффар Зоитов (профессионал спортчи, таэквондо бўйича икки мартаба Осиё чемпиони) ва бошқалар маҳорат билан ижро этишган. Сценарий муаллифи Махмуд Тўйчиев, фильмнинг оператор Султон Мирзавахмедов суратга олган, бош рассом Элдор Мирсағатов.

«Ҳаёт хали олдинда» номли янги фильм асосан ёшлар ҳаётига, Ватан ҳимоячиларига бағишланган. Фильмнинг асосий мавзуси дўстлик, садоқат, ватанпарварлик ва бурч ҳақида.— дейди фильм режиссёри Фуркат Файзиев.— Зеро Ватанини ҳимоя қилиш бу фақат

қўлида қурол ушлаб чегарада туриш дегани эмас, балки унинг шавъини спорт орқали ҳам, ўз касбига садоқати билан ҳам асраш мумкин. Фильмнинг суратга олишда бизга Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Тезқондо миллий федерацияси яқиндан қўмақ бердилар. Фильм картиналари бир йил муддатда асосан Чирчиқ ва Фазалкентда суратга олинди.

Дарҳақиқат, фильм давомида Сатторнинг ноҳақ қамалиши, унинг ёвуз нијятли кимсалар қўлига тушиб қолиши ва улар билан мардона қурашиб, қабиҳ нијатларини фош қилиб, ўз она Ватанига бўлган садоқатини намён эттишини кўзатамиз.

Мазкур фильм ёшларни Ватанга муҳаббат, инсоний қадриятларга садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.
Дилором ИКРОМОВА

Маданиятимиз тарихини ўрганамиз БУЮК ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ

СОСОНИАЛР СУЛОЛАСИНИНГ СЎНГИ ҲУКМДОРЛАРИДАН БЎЛГАН ХУСРАВ ПАРВЕЗ II ШОҲЛИК ҚИЛГАН ДАВР (590-628 Й.)ДА ЭРОНДА МАДАНИЯТ АЙНИҚСА ГУЛЛАБ-ЯШНАДИ. СОСОНИАЛР СУЛОЛАСИ ҲУКМРОНЛИГИ 400 ЙИЛДАН ОРТИКРОҚ (226-651 Й.) ДАВОМ ЭТГАН БЎЛИБ, БУ ДАВР МАДАНИЯТ, САНЪАТ АНЧА РИВОЖ ТОПГАНЛИГИ БИЛАН ТАВСИФЛАНДИ.

Санъатини севиш, унинг намояндларини эъзозлаш, Хусрав Парвез IIнинг шахсий хислатларидан бири бўлганлигидан унинг саройида турли соҳа ижодкорлари, жумладан, қўшиқчиликда доғ таратган ҳофизларнинг катта гуруҳи тўпланган эди. Бу санъаткорлар нафақат эронлик, балки атроф мамлакатлардан ҳам шох хизматига таклиф қилинган бўлиб, саройда уларнинг ижоди учун қулай муҳит яратилган эди. Улар орасида мохир муסיқачилар, қўшиқчилар, муסיқа назарийчилари, раққосалар, бастакорлар бўлиб, Саркаш, Бамшод, Нокус, Ромтин, Навогар, Саркаб, Озодвар Чангий, Робустлар шулар жумласидан эди. Борбад Марвазий улар даврасида ёрқин юлдуз бўлиб, алоҳида ажралади турарди.

Шуни айтиш жоизки, Сосонийлар даври санъатида най, барбат, рубоб, чанг, карнай, сурнай, ногора ва бошқа созлардан кўпроқ фойдаланилган.

Қадимги «Хусравоний» туркумидаги мумтоз муסיқа асарига баён этилишича, Наврўз байрамларида одатда Борбаднинг «Фаблобод» қўшиғи кўпчилик томонидан доим қуйланарди. Бу эса унинг ушбу қўшиғи жуда омаллашганлигидан далолат беради. Мазкур асарда Борбад ҳақида яна шундай дейилади. «Унинг қўшиқларида, ўзи тўқиган шеърларида шохнинг таърифи, унинг мажлису зиёфатлари, ҳарбий юришлари ва эришган галабалари мохирлик билан қуйланган. Борбад халқ олдида ҳар бир чиқишида албатта бирор янги шеър ёки қўшиғи билан тингловчиларни лол қолдирган. Унинг ҳар бир таронаси бошқаларникидан ажралаб турган. Шунингдек, Борбад ўз шеър ва қўшиқларида шохни мурувватли, одил бўлишга, бечораларга ёрдам қўлини чўзишга, гуноҳкорларни авф этишга ва ортиқча жазоламасликка ҳам қақирарди. Хатто шохга ноҳуш хабарлар ҳам Борбаднинг шеър ёки қўшиқлари орқали билдирилган. Чунки шохга ноҳуш хабар олиб келувчилар кўпичина қаттиқ жазо оларди.

Шундай хусусиятлари учун ҳам Борбаднинг саройидоғина эмас, балки эл орасида ҳам обрўси ва шухрати юксак эди.

Борбад Шарқ санъатида ҳозирги кунгача кенг фойдаланиб келинаётган аънавоний муסיқа сози бўлган удни янада тақомиллаштирди ва унда мислсиз қуйлар ижод этди. Бу соғра хатто Борбад номи берилган. Шундан бери бу соз манбаларда ҳам, эл орасида ҳозир ҳам шу икки ном билан аталиб келинади.

Борбад санъат тарихида бирорта санъаткор тутмаган йўлни кашф этди, яъни йилнинг ҳар бир кунига бағишланган 360 дан ортиқ қуйлар яратди. У ижод этган бошқа 30 та тарона «Ой сокинлиги», «Ширин боғи», «Рух йўллари», «Тахт», «Тақдир шахти», «Кўм-кўк», «Сарвистон», «Марварид соябон» ва ҳоказо деб аталарди.

Дарҳақиқат, Борбаднинг ёрқин ижодий ютуқлари, истеъдоди барча қирраларининг намён бўлиши айниқса шох Парвез II саройида янада яққол кўзга ташланади. Холид-эл-Файз, Ал-Бухтури, Ал-Факих, Ас-Саолибий ва А.Фирдавсий каби Шарқ алломаларининг таъкидлашича, Борбад истеъдодининг барча томонидан эътироф этилиши VII асрнинг иккинчи ўн йиллигига тўғри келади. Айнан шу даврда Борбад ўз шон-шухратининг энг юқори чўққисига кўтарилган эди.

Борбад давридаги ҳарбий қўшиқлар таркибида айниқса «Мозандарон» қўшиғи машҳур бўлиб, унинг мазмуни қадимги муқаддас «Авесто» китобидоғи матнлардан олинган, асосий қисмини Борбад ўзи яратиб ва ўзи ижро этиб, ном чиқарган. Жанг майдонларида, галаба тантаналарида ижро этилган ушбу қўшиқ ўз даврида аънавоний асарлардан бирига айланиб қолган.

1205 йилда форс тилида тузилган «Ҳафт қулзум» («Етти денгиз») номли катта лўғатда қайд этилишича, Борбад «Суруди Мусажжа» номли йирик асарлар мажмуини яратиб, унда қўшиқлар ҳамда уларни ижро этиш услублари ҳақида фикрлар билдирган.

Борбад яратган қўшиқлардан айримларининг номлари бизнинг қўнларгача етиб келган, уларга «Ям-яшил», «Ов гашти», «Чоштгоҳ», «Сарвзор» ва бошқа асарлар кирарди.

Борбад ўз замонида 30 та асарини келтиради ва уларда кўпроқ инсон ҳаётининг абадий эмаслиги, имкон борида ҳаётнинг барча шароитларидан унумли фойдаланиш зарурлиги ҳақида қуйланди. Шундай экан, биз Борбадга шубҳасиз, теран фикрли фалсафий қўшиқчи деб, яъни ҳаёт мазмунини, унинг қадриятларини ёритиб, инсоннинг жамиятда тутган ўрнини очиб бера олган ижодкор сифатида қарашимиз мумкин.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, қўлаб соҳалар олимлари, шoirлар, ёзувчилар, саркардалар номлари юзлаб, хатто минглаб йиллар давомида миннатдор авлодлар ёдидан кўтарилмайди. Ном асло унутилмас ана шундай буюк инсонлар орасида бундан 1400 йилдан ортиқроқ илгари яшаб, баракали ижод қилган даҳо бастакор Борбад Марвазий сиймоси бутун Шарқ ижодчилигида ҳамон ёрқин юлдуздек чарақлаб турибди.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

Даврон аро кимса ранж паймудалиги, Бушмас гар эмас фарог камбудалиги, Ноамлик ўлди халқ фарсудалиги, Амн ичра бўлур маош осудалиги. Бу дунёда тинч-хотиржам бўлмаган киши ранжу азобдан холи бўлмайди. Одамларнинг гам-ташвишига грифторлиги осойишталикнинг йўқлигидан. Осойишталик бўлган жойда турмуш осуда кечади. Десанг, топай эл замиридин боре хабар, Сиридин эрур таври намудори хабар, Таврин кўру равшан айла хар сори хабар— Ким, кўнглидагидин берур атвори хабар. Одамларнинг кўнглида нима борини билмоқчи бўлсанг, ташқи кўриниши ички сиридан хабар бериб туради. Хулқини кўру хулоса қил, зеро, кишининг юриш-туришию гап-сўзи ички оламидан далолатдир.

Доим тут ўзунга рўзанинг меҳнатини— Ким, руҳқа еткурур сафо давлатини. Сиххат тиласанг, қилгил анинг ниятини— Ким, рўзада кўйдилар бадан сиххатини. Рўзанинг қийинчилигидан сира ўзингни олиб қочма, чунки у руҳни поклик давлатига ноил қилади. Соғлиқ тиласанг, рўзани ният қилки, баданнинг соғломлиги рўза туфайлидир.

Дунё сори хирс хар ямондин ортуқ, Тарк этмак ани кавну макондин ортуқ, Сувсизга сув шавқи бўлса жондин ортуқ, Биз, сифлага мол шавқи ондин ортуқ. Дунёга хирс қўйиш энг ёмон ишининг ҳам ёмони-дир, уни тарк этиш дунёни тарк этишдан оғир. Ташна учун сув жонидан ортик бўлганидек, нокас учун мол-дунё ишки ҳамма нарсадан ортик.

Давр ахлига лутфи жонфизо кўргузгил, Эл қилса ямон, яхши жазо кўргузгил, Йўқ, ёрингга сидқ ул сафо кўргузгил— Ким, қилмаса хасмлик, вафо кўргузгил. Одамларнинг кўнглини кўтариб, марҳамат кўрсатгил, улар сенга ёмонлик қилишса ҳам, сен яхшилигини дариг тутма. Ёрингга сидқи садокат кўрсат, хар кимки, сенга душманлик қилмаса, унга вафо айла.

Душманат гар ҳасуд шуд, нек аст, Ки ба ранж ояд зи феъли бадаш. Феъли ў ёру душманат бошад, Аз пай қасди жисму жони ҳудаш. Душманинг агар ҳасадгўй бўлса, бу — яхши, у ўзининг ёмон феълидан дилтанг бўлади. Унинг феъли ўзига ҳам дўсто ҳам душман бўлса, ўзининг жисму жонига қасд қилиш пайдан бўлади.

Дўст жавридин инграмма, душман бедодидин кунграмма. Дўстан озор етса инграмма, душман зулм этса нолима. Дунки, ёмон феъли анга хушдурур, Жазми, эл яхши нохушдурур. Ёмон феъли ўзига яхши бўлиб кўринган нокаса яхши одамлар ёмон бўлиб кўринади.

Душман гуруридин гам ема ва маддох хушомадин чин дема. Душманинг кибру хавосидан гам ема, мадх этувчининг хушомадин чин дема. Дард ўтидур бодаву ҳирмон суйи, Йўқки, тамуг ўтио тўфон суйи. Кишига дард ўти дўзах оташио тўфон балосидан эмас, балки майдан умидсизлик туйғусидандир.

Десангки, тоймоғай ул ерда гоминг, Саноклик гом ила бўлсун хироминг. Қадамни бирор ерда тойилмасин десанг, хар бир қадамнинг ўлчаб бос. Донаву дур сўзини афсона бил, Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил. Жаҳон уммонида ҳақиқий дурдона бу—сўз. Дур ва унинг шодаси ҳақиқиди гап-сўзлар унинг олдида бир афсона.

Дониш тилаю, хар сори гар кетгайсен, Хиёф айламансан, варақ йиғиб нетгайсен, Саъй айлаки, хиёфи ганжига етгайсен, Йўқ улки, кутуб саъй ила жам этгайсен. Қаерга борма, илм ўрганиш пайдада бўл, лекин китоб йиққандан кўра, илм ганжини хотирангга жо қилганинг яхши, бас, китоб йиғишга эмас, ёдингга сақлашга интил.

Дехқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. Ел агарчи кўкка етсун, сабуқбордур у беиқдор, Тоғ агарчи туфроққа ботсун, соҳибқордур у хилмшор. Ел кўкка етса ҳам енгилдир, қадрсиздир. Тоғ туфроққа ботса—да, вазини ва чидамлидир.

Елки, йиғар ҳар не эл айлар нисор, Андин эрур дарбадурохкор. Шамолнинг хар эшикда тентираб юришининг сабаби шуки, у одамлар сочган нарсаларини йиғиб юради. Емас элки, амвол аро бўлса гарқ, Алар бирла муфлислар ичра не фарқ? Нон емас хасислар хар қанча молдор бўлса ҳам, улар билан камбағаллар орасида қандай фарқ бўла олади?

Енгса дайр ичра мени ҳайрат, не тонг, эй муғбача, Кимдурур бу коргах ваъзигақим, ҳайрон эмас. Эй муғбача (муғбача—оташпарастлар хизматидаги бола), бу дунёда ҳайрат мени лол этса, сира ажабланидиган жойи йўқ, чунки бу дунё ишларига ҳайрон бўлган киши борми? Ёлгон демакда тажриба аввалги субҳ бас, Ёлгон нафас чу урди, корорди ҳам ул нафас. Ёлгон сўзлаш зарарини билиш учун «ёлгон тонг» тажрибаси етарлидирки, у ёлгон нафас ургани учун дарров юзи қораяди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Танловлар

БАРҲАЁТ СИЙМО

БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ ОРАСИДА ЎЗИНИНГ БОЙ АДАБИЙ МЕРОСИ БИЛАН ЖАҲОН АДАБИЁТИГА МУНОСИБ ХИССА ҚЎШГАН УЛУҒ МУТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОЙИ ВА УНИНГ СЕРҚИРРА ЙОЖДИ НЕЧА АСРЛАР ҲАМКИ МАЪНАВИЯТИМИЗ ДУРДОНАСИ ХИСОБЛАНАДИ.

Мирзо Улуғбек туманидаги 256-мактабда ҳам Алишер Навоий таваллудига бағишлаб ўтказилган «Навоий билимдонлари», «Барҳаёт сиймо» мавзуларидаги танлов ўқувчи ёшларнинг қалбида унутилмас таассурот қолдириши билан бирга уларда аллома ижодидаги қизиқишни яна ҳам орттирди. Тумандаги мактаблар ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида Навоийга бағишланган суратли альбом, деворий газета, реферат, иншолар танлови бўлиб ўтди. Ўқитувчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда етти ташт бўйича ўзаро беллашдилар. Яъни, уй вазифаси, са-



вол-топ-ширик, б и р газал тарихи, мустақил ижодий чиқиш, жумбоқли савол, тезкор Навоий газали ҳақидаги саволлар бўйича 18, 35, 241, 256, 223, 148, 221-мактабларнинг адабиёт ўқитувчилари ўзларининг билимлари, зуққоликларини намойён этдилар. —Бундай танловни ўтказишдан мақсад, ўқувчи ва ўқитувчиларни аллома ижоди билан яқиндан таништириш, бой адабий меросига чуқур эҳтиром ва хурматни оши-



ришдан иборат.—дейди Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими услубчиси Мавжуда Йўлдошева.— Бу каби тадбирлар ёшларни маънавий баркамоллик сари қорлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Танловда «Навоийшунос» ҳамда «Қақнус» гуруҳи иштирокчилари берилган шартлар бўйича ўзларининг юксак маҳоратлари, чуқур билимлари, зуққоликларини намойён этиб юкори баҳо олди-

Ширмоной АСРАНОВА СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар

ТОМОҚ ОҒРИГИ ЎНЛАБ ТУРЛИ ХИЛ КАСАЛЛИКЛАР АЛОМАТИ БЎЛИШИ МУМКИН. ЛЕКИН УЛАР ИЧИДА «МАШХУР»ЛАРИ АНГИНА ВА ФАРИНГИТ ХАСТАЛИКЛАРИДИР.

«Тошкент оқшом» саломатлик хизмати ТОМОҚ ОҒРИГАНДАГИ МУОЛАЖАЛАР

— Томоқнинг орқа ёки ён деворлари яллиғланса ёхуд бошқача қилиб айтганда, қизарса ёки шишиб қолса, бу — ўткир фарингитдир, дея тушунтиради ЛОР шифокори С. Фузаилов. — Томоқнинг кичишади, қирилда ёки туфунгизни ютганингизда ҳам оғриқ беради. Дармонсизланиш, озроқ хароратнинг кўтарилиши кузатилиши мумкин.

Ангинада эса, юқоридагига ўхшаш оғриқ сезилади, лекин у қийинроқ кечиси билан ажралиб туради. Бунда томоқнинг икки ёнида жойлашган бодомсимон безлар яллиғланади. Шунинг учун ҳам томоқнинг ўнг ёки чап томони, ёхуд иккала томони ба-равар оғрийд. Томоқнингизга қараб ўзингизни кийнаётган нима эканлигини ўйлаб, бош қотириб ўтирмай, шифокорга мурожаат этганингиз маъқул.

Томоқ — умуман энг нозик аъзолардан ҳисобланади. Бунинг сабаби — нафас билан қирадиган ва чиқадиган ҳаво оқимлари, овқат ва сув ҳаммаша у орқали ўтишидир. Улар билан бирга, бактериялар ва вируслар ҳам у ёқдан-бу ёққа «сайр қилишади». Шу туфайли ҳам уларга худди шу томоқни зарарлантириш ҳеч гапмас.

Фарингит кўпинча бурун орқали нафас олиш қийинлашган (бурун битган) ҳолатлардан авж олади. Бунда одам зўр бериб оғзи билан нафас олади ва бундан томоқнинг орқа девори азият чекади.

Агар касаллик доимий равишда чала тузалиб, қолиб кетишига йўл қўйилса, ўткир фарингит сурункали касалликка айланиши мумкин. Натижада томоқ атрофида иммунитет сустайиб, шиллик парда «куватсизланиб», организмнинг яллиғланиш жараёнини тўхтатишга қурбй етмай қолади. Бундай ҳолатда хар қандай тананинг совиши ёки ҳатто тоқлиқ ҳолатларида ҳам касаллик зўраяди.

Айтилик, музқаймоқ едингизми ёки муздек лимонад, маъданли сув ичдингизми — томоқнингизда оғриқ пайдо бўлади. Бутун салқини ва совуқ мавсумлар давомида касаллик давом этиши мумкин. Сурункали фарингитда шиллик парда юқалашиб, қуруқшаб қолади, ҳатто томилар қарийб юзада жойлашгани туфайли қонаш ҳоллари ҳам юз беради.

Томоқда нимадир ҳалақит бераётгандай туюлаверсади, йўталиб юбориб, уни тозалагингиз келади. Лекин зўраки қуруқ йўталдан кейин аҳолингиз яхшиланмайди.

Хўш, бундай ҳолатдан қандай қутилиш мумкин? Аввало, касаллик чўзилиб кетмаслиги учун дори-дармонларни тўри танлаш керак бўлади. Ўткир фарингит хасталигида шишни йўқотиб, бактерицид ва бактериофаг қарши таъсир этадиган дорилар қўлланади. Бу дориларда шиллик пардани юмшатадиган, унинг қуриб қолишига йўл қўймайдиган ёғлар компонентлари бўлади. Сурункали фарингитда бошқа дорилардан фойдаланилади.

Чунки бунда шиш йўқ ёки у биланар-биланмас бўлиб, асосан оғриқлилик, ноқулайлик ва томоқнинг «қуруқшаб қолиши» бевозта қилади. Шунинг учун ҳам ўткир фарингитда яхши фойда қиладиган йод асосида тайёрланган дорилар сурункали фарингитда наф бермайди. Зеро, йод шиллик пардани янада кўпроқ қуришиб, томоқдаги оғриқлар фақат кучаяди. Бу ерда томоқнинг орқа деворига юмшоқроқ таъсир этиб, айна пайтда яллиғланиш ва оғриқларни йўқотадиган сўрилувчи дорилар (Фалиминт, стрепсис)ни қўлланиш ўринли бўлади.

Болалардаги фарингитни даволаш энг мураккаб ҳисобланади. Болалар шикоятларини аниқ баён қилишолмайди ва шифокор тавсияларини айтилгандай ба-жаришолмайди. Бинобарин, даволашдаги муваффақият 80 фоиз ота-оналарга боғлиқ бўлади. Болалар одатда шифокорнинг хар қандай ҳаракатларига салбий муносабатда бўлишади. Бир бора боланинг томоғини оғритиб қўйиб, даволашда қўллаган шу усулингизни бутунлай унутишингизга тўғри келади.

Фарингитни даволамаса ҳам бўлади? Нафсиламбрини айтганда, фарингит хаёт учун хавфли эмас. Лекин уни вақтида даволамаса, яна икки-учта шунга ўхшаш жараҳатни орттириб олиш мумкин. Инсон шундай яралганки, шиллик парда бурун бўлиғидан бошланиб, ўпқада охирига етади. У бир хил бўлмай, йўғонлиги, тўқима таркиби ўзгариб турса—да, ҳеч қачон узилиб қолмайди. Шунинг учун ҳам яллиғланиш тўхтатилмаса, у томоқдан ичкарига қараб силжийди ва яқин атрофдаги тўқималарни шу жараёнга тортади.

Агар фарингитни даволамаса, бирон чора-тадбир қўрилмаса, кейинчалик ларингит (ҳижилдоқ, бўғиз яллиғланиши) ва трахеит (трахея яллиғланиши) ҳамда, эхтимолки, сурункали бронхит касалликларига чалиниш мумкин.

Томоғи оғриганларга шифокор тавсиялари: Фақат томоқни чайиш билан тузалишингизга умид қилманг. Албатта, томоғи қизариши билан поликлиникага чопадиган одамни тасаввур қилиш қийин. Лекин уч кун ичида томоғингиз тузаладими — шифокорга мурожаат қилишининг вақти келгани шу.

Дарвоқе, сурункали фарингит касаллигида томоқни чайиш, айниқса сода билан чайиш мумкин эмас. Бу шиллик пардани яна ҳам қуришиб, касаллик кечилиши мураккаблаштиради.

Мевалардан тайёрланган қиймлару шимадиган ширинликларга пул сарфламанг. Улар томоқдаги гагингизга тегаётган ёқимсиз ҳиссиётларни юмшатгандай бўлади—ю, аммо ҳеч қачон касални тазатмайди.

Тумовга ишлатилган томчи дориларни суиистеъмоқ қилманг. Бу томчилар бурун бўлиғидан беулчон микдорларда томоққа оқиб тушади ва унда касалликни қўзғатиши, яллиғланишни кучайтириши мумкин.

Футбол

ЕТТИ ПОҒОНА ЮКОРИЛАДИ

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ФИФА) ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИНИНГ НАВАТДАГИ РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ МУХЛИСЛАРИМИЗ КўНГЛИНИ ШОД ЭТГАН БўЛСА АЖАБ ЭМАС.

Сабаби, рейтингда мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» етти поғона юқорилади. Гап шундаки, яқиндагина Москва шаҳрида МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари ўртасида уюштирилган халқаро турнирда голибликни қўлга киритган пахтакорлар 157-ўриндан 150-ўринга кўтарилиб олишди. Ушбу натижа мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» жамоаси футболчиларининг маҳорати аста-секинлик билан бўлсада ортб бораётганидан далолат беради. Дарвоқе, рейтинг рўйхатида жаҳоннинг энг кучли 350 жамоаси қатаринда Муборакнинг «Машъ-

Сузиш

ПОЙТАХТЛИКЛАР — ШОҲСУПАДА

ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ «ДЕЛЬФИН» СУВ СПОРТИ МАЖМУАСИДА СИНХРОН СУЗИШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЖАМОАСИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Андихон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган 150 нафар спортчи ўртасида уюштирилган мусобақалар якунида пойтахтлик сузувчилар биринчи ўринни қўлга киритишган бўлишса, фарғоналиклар иккинчи ўрин эгасига айланишди. Андихон вилояти жамоасига эса учинчи ўрин насиб этди. Акбар ЙўЛДОШЕВ

Тиббиёт ажойиботлари

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛГАН

Табиий ҳол. Инсон зоти ўзининг ақл-идроки, билими кўлама, ибратли меҳнати, бунёдкорлиги, ҳусни жамоли билан бошқа жонотлардан фарқланади. Бу борада аёл ва қизлар нафис қомати, лобарлиги, ибодилиги ва бошқа ажиб фазилатлари билан ажралиб туради, бироқ...

Манбаларда қайд этилишича, кўҳна замонларда Юнонистоннинг бўёнлари, хоҳ улар эркак ёки аёл бўлсин, тотли озиқ-овқатларни пақосқоқ тушираверганлар. Улар учун меъёр, тартиб деган нарсаси бўлмаган. Шу боисдан бўлса келрак, баъзи нуфузли хонадон аёллари жуда ҳам семириб, тараққоқ бўлиб кетишар эди. Тарихий шохс, ўша замонларда яшаган Агрорда исмли бойвучча аёл бир ўтиришда ўз нафсини қондириш учун шунча микдорда озиқ-овқатларни меъдасига ниқтар эдикки, унинг еган овқатлари қарийб ўн қисмини тўйдириши мумкин бўлган. Чунони, тушлик вақтида очофат Агрорда ўн икки минг (оғирлик бирлиги, 5 килограммдан ортик) гўшти шипириб ташлаган, булар қаторида зиравор,

газак, кўнгличоди салат, ширинак махсулотлар бу аёлнинг бўғиз мўлконида ўтиб кетаверган. Қизги шундаки, Агрорда «хоним» мўъжаз боқчадаги пивони симириб ташлаган. Ҳозирда кўҳна замондан қолган ибора бор, у ҳам бўлса, «огловод» (меъжай) бўлиб, ўша Агрорда номи билан боғлиқ.

ГУМБАЗЛИКДА ТЕНГИ ЙҮК

Тиббиёт оламида аёлларга хос ноёб ҳодиса 1969 йили Канадада рўй берган жаҳондаги энг оғир аёл тумонат одамлар орасида ўзини намойиш этган. Вазни 334 килограмм келадиган бу серботом аёл ўз қоматини томошабинларга «кўз-кўз» қилар экан, семизлик сирлари билан ҳам ўртоқлашган. Бу аёлнинг иштиёкли томошабинларга ўз расмига даст-хат ёзиб ярим доллардан сотганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар бор.

СУТХҲР ОЙИМЧА

Асли италиялик Анжела Мазини кўрик-танловда «Сало-1990 хоними» унвонига мушарраф бўлган. Ёши 55 да бўлган бу аёл

НАРВОН ҚҮЙИБ СОЧИНИ ТАРАНГ

Тавба дейишингиз турган гап. Хитой Халқ Республикасида 1983 йилда улкан бўйли «нозанин» қайд этилди. Бўйига қарайман деб, дўппи тушиб кетадиган 16 ёшли Чен Цзиньлянь исмли қизча-нинг бўйи 2 метру 40 сантиметр, вазни 147 килограмм бўлиб, барчани эсанқиратиб қўйган. Бўйдор бу қизнинг кийим-бош ва поабзалларини фақат буюртма асосида алоҳида бичимоналар тикиб беришар эди. Тўғриси, Чен ҳеч қачон иштаҳадан зорланмаган, қачон бўлса ҳам қорнини тўйдиришга ошиқар эди.

Маннон НАБИЕВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

СЎМ ЧЕКЛОВЛАРСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Сўнги пайтда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар худудий Бош бошқармасига фуқаролар томонидан айрим савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ҳисоб-китоблар учун танга пуллар қабул қилинмаётгани тўғрисида маълумотлар келиб турибди.

Шу муносабат билан яна бир бор маълум қиламики, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасига мувофиқ «сўм» Ўзбекистон Республикасининг ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага чиқариш тўғрисида»ги Фармонида биноан «сўмлар» ва «тийнлар» Ўзбекистон Республикаси худудидида мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт. Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

«Ўзбек Давлат цирки» республика бир-лашмаси

ўсмирлар ва қизлар, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ва интернатларнинг тарбияланувчилари учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Ҳоҳловчилар 14 ёшдан 25 ёшгача бўлиши керак

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-09, 144-37-31 Соат 9.00 дан 17.30 гача кўнги-рок қилинг.

Мунажжим башорати

УЙҒУНЛИККА ПУТУР ЕТҚАЗМАНГ

15 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА Бугун яхши хулқ-одоблилик кўни ҳамда ҳомийлар ёрдамидан муваффақиятли фойдаланиш мумкин бўлади. Кўш тақвими-нинг 2-кўни савдо-сотик ва ўлчов тадбирлари, ўзаро фикр алмашиш ва ўзингиз учун фойдали янги кўникмаларни ҳосил қилиш йўлида қулай келади. Қуръа ташлашлар ҳам бугун омадли бўлиши кутулади.

Оймўманинг бугунги самовий ҳолати ҳаётга

яратувчилик кўзи билан қараш ва хар қандай вазиятда она табиат билан алоқани узмасликни тақозо этади. Шу кезлари яшаш тарзингизни кескин ўзгартириш мумкин эмас. Мухими — қалб самимиюлигини сақлаб қолиб, атрофда-гилар билан муносабатларда уйғунлиқни йўқот-масликдан иборат.

БУГУН: - айниқса узоқ ва пухта тайёргарлик кўриб қўйган янги ишни бошлаб юбориш; - ҳаракат режасини тузиб чиқиб, уни рўёбга чиқаришга интилиш; - зарурат тугилса бир йўла бир неча иш билан шуғулланиш; - мақсадга эришиш йўлида матонат ва қатъ-иятингизни намойён этиш.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 107

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади. «Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6